

## ЎЗБЕК МИЛЛИЙ ЧОПОНЛАРИ

*Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи*

*илмий ходими: Юлдашева Хилола*



Инсонларнинг танасини ташқи муҳитдан асраш, об-ҳавонинг иссиқ ёки совуқ кунларида ҳимоя қилиш учун кийим кечаклардан фойдаланишган. Дастлабки даврлардан бошлаб то ҳозирги кунгача инсон ақлий ривожланиш босқичларида улар ҳам ривожланди. Соддалидан мураккаблашиб борди. Мен сизларга XIX-асрдан то ҳозирги кунгача фойдаланиб келинаётган тўнлар ҳақида маълумот бермоқчиман.

Тўн баъзан чопон деб аталалади. У - авра-астарли, узун, энгли, тик ёқали, олди очик устки миллий кийим ҳисобланади. Бичиғи тўғри бичимли бўлади. Ичига пахта солиб қавиладиган пахтали тўн ва пахтасиз (авра-астардан иборат яланг қават) тўн турлари бор. Тўнлар. тўғри, тик ва қия қавилади, баъзан қавилмасдан сирма қилиб тикилади, бунда тўннинг қавилган астари ҳар жой, ҳар жойидан аврасига чашиб қўйилади. Тўн авраси бахмал, бекасам, кимхоб ва бошқа матолардан тайёрланади, астарига чит ва сатин матолар ишлатилади. Тўннинг тик ёқаси жуда майда қавик чоклар билан ишлангани учун қаттиқ бўлади, ёқа, энг учлари, этак атрофларига жияк тикиб қошияланади ҳамда улардан попукчалар чиқарилади. Этагининг икки ён томонида ўтириб турганда қулайлик яратиш учун «йиртмоч» лари бўлади. Тўннинг ички томони (астари)га гир айлангириб шойи ёки қора сатиндан тўрт энлик адип тутилади. Яланг қават (авра-астарли) тўнлар аврасига зар ишлар билан кашта тикиб зардўзи тўнлар тайёрланади. Тўнлар ўғил болаларга хатна тўйида, кейинчалик никоҳ тўйида кийдирилган. Ҳозирда ҳам тўн тикиш кенг йўлга қўйилган. Тўн кундалик (ёшлар орасида уйлик) кийим сифатида кийилади, бундан

ташқари тўй болага, куёвга, кудаларга, улуғ кишиларга, азиз меҳмонларга тўн кийдириш, азада мотам кийимлари сифатида ҳам кийиш удуми сақланган.

Ўзбекистон ҳудудида тўнларнинг бичими бир хил, айрим хусусиятлари (узунлиги, матонинг ранги ва безатиш усуллари) билан биридан фарқланади, холос.

Тошкент — Фарғона тунларии сипо (кўк, яшил, сарик, бинафша) рангли матолардан тикилади, XX аср бошларидан қора сатин ва сейлондан тайёрланган тўн кийиш урф бўлган. Ёшлар очик рангли (сарик, бинафша, яшил, оқ, кўк, пушти, қизил) йўлли беқасам тўн кийган, бундай тўнни келин томон куёв тўни сифатида куёвга совға қилинган. Яна кимхобдан тикилган тўн ҳам нафис, майда қавиб тайёрланиши билан бошқалардан фарқ қилади. XX аср охири чорагидан беқасам тўнлар билан бир қаторда чийдухоба, бахмалдан тайёрланган тўнлар кенг тарқалди.

Бухоро тўнлари кенг ва узун, ёрқин рангли, ялтироқ, кенг йўлли ва йирик гулли матодан тикилади. Зардўзи тўнлар амир ва унинг амалдорларигагина хос бўлиб, бахмал, кимхоб ва бошқа матолардан фақат амир саройида тайёрланган. Ҳозир барча вилоятларда зардўзи тўн тайёрлаш кенг йўлга қўйилган. Самарқанд тўнлари узун ва ўртача кенгликда тикилади, уларда Бухоро ва Тошкент - Фарғона тўнларининг таъсири сезилади.

Хоразмнинг енгил тўни (астардеш) ўрта кенглик ва узунликда, пахтали тўни (дўн) эса қоматга ёпишиброқ бичимда тўқ рангли, ингичка йўлли матолардан тикилади; матога махсус ишлов берилади (яъни, ялтироқ ҳолга келгунига қадар кудунгланади). Тикув машинаси пайдо бўлганидан сўнг тўнлар майда машина чокида ҳам қавила бошланди.

Тўнлар- қадимий кийим тури эканлигини Ўзбекистон ҳудудида сақланган деворий расмлардан, миниатюралардаги тасвирлардан билиш мумкин. Қадимдан хон ва амирлар томонидан бой ва амалдорларга яхши хизматлари эвазига, меҳмонлар, элчилар, хорижий меҳмонларга тўн

кийдирилган, бу одат ҳозирги кунда ҳам сақланган. XVIII асрдан тўнлар Россия, Хитой, Эрон ва бошқа мамлакатларга чиқарилган. XIX асрдан Россия билан алоқаларда муҳим экспорт маҳсулотига айланган, айниқса, Бухоронинг зарбофт, Самарқанднинг кимхоб тўнлари машҳур бўлган. Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистон тўнлари Халқаро кўرғазмаларда Париж, Москва, Нижний Новгород, Петербург ва бошқа давлатларда намоиш этилган ҳамда мукофотларга сазовор бўлган.

Ўзбекистон тўнларининг энг яхши намуналари республика ва хорижий мамлакатлар музейлари ва хусусий тўпламларда сақланади.

Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейида ҳам эркаклар, аёллар ва болаларга хос бўлган чопонларни учратишингиз мумкин. Санъат бўлимининг кўрғазмалар залида XX асрга оид бўлган эркаклар чопони ўрин олган. Бу кийимлар музейга келган зиёратчиларда катта қизиқиш уйғотади.

### **АДАБИЁТЛАР**

1. Мозийдан садо илмий-амалий, маънавий-марифий журнал 4.(68).2015 йил сони.

2. Сан'ат журнал. 2/2013 йил сони.

3. Сан'ат Ўзбекистон Бадиий Академияси журнали 1/2018 йил №78

4. Тамаддун Тарихимизни ўрганамиз 6-сон 2023 й

5. Наманган садоси газета 3 сони апрель'.

6. Наманган вилояти меъморай обидалар сирлари. Наманган нашриёти I.YU. Юсупов. Э. Ю. Мирзалиев

7. Наманган вилояти зиёратгоҳлари. Наманган шаҳри 2015 й. Л. Ахмадалиева